2015 ЙИЛ 21 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 14 (12.827)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига мувофиқ:

Фарманов Александр Касимович — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси – бош директори

Санакулов Кувандик — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош директори

Тян Валерий Николаевич — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори

Салихов Шавкат Исмаилович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти

Усманов Мираброр Зуфарович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ташқи сиёсат масалалари қўмитаси аъзоси

Сафоев Содиқ Солихович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси

Рахманкулов Мир-Акбар Ходжи-Акбарович — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори ўринбосари

Мирзаалиев Икболжон Мирзакаримович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси

Артикова Светлана Баймирзаевна — Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари

Камилов Халиджан Махамаджанович — Тошкент врачлар малакасини ошириш институти офтальмология кафедраси профессори

Зуфаров Махамаджан Заирович — «Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси

Аллиярова Айсанем Жолдасбаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси

Йўлдошев Ниғматилла Тўлқинович — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири

Раматов Ачилбай Жуманиязович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

Алимова Гавхар Зайировна — «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 20 январь

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Пойтахтимиздаги Ўзбек либослари галереясида «Hand made in Uzbekistan» деб номланган миллий санъат фестивали бўлиб ўтди. «Art Life Media» масъулияти чекланган жамияти ташаббуси билан ўтказилган мазкур фестивалда бир юз элликдан ортиқ ҳунарманд иштирок этди.

МИЛЛИЙ МАҲСУЛОТЛАР КЎРГАЗМАСИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, қадимий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, моҳир ҳунармандлар яратган услуб ва мактаблар довруғини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мунтазам ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловига «Энг яхши ҳунарманд» номинациясининг киритилгани ва турли лойиҳалар, танловлар, кўргазмалар ташкил этилаётгани бунинг яққол исботидир.

Сўнгги йилларда халқ ҳунармандлигини қайта тиклашга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони асосида тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилиб, касаначилик ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Ҳунармандлар фаолиятини рағбатлантириш, уларга турли имтиёзлар берилиши миллий ҳаёт тарзимизнинг ажралмас қисми бўлган халқ амалий санъатини янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Юртимизда «уста-шогирд» анъанаси кенг йўлга қўйилиб, ўқув марказлари ва маҳаллаларда моҳир ҳунармандлар томонидан ёшларга бадиий ҳунармандлик, халқ амалий санъати сирлари пухта ўргатилаётгани уларнинг соҳага қизиқишини оширмоқда. Шу боис қўли гул ҳунармандлар сафи кенгаймоқда.

Қашқадарёлик попопчи Лола Ҳамроева оилавий тадбиркор сифатида фаолият юритаётган ёшлардан. Матога нақш босиш санъати тури ҳисобланган попопчилик мустақиллик туфайли қайта тикланиб, изчил ривожланмоқда. Бугунги кунда нафақат уйрўзғор ашёлари, ҳатто кундалик либосларда ушбу услубдан кенг фойдаланилмоқда. Лола анъанавий услубларни давом эттириш баробарида, янги-янги йўналишлар борасида изланаётир. Ўз тенгқурлари ва маҳалла аёлларига бир неча йилдан буён ҳунар сирларини ўргатиб келмоқда.

– Давлатимиз раҳбари томонидан халқ амалий санъати турларини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор, яратилаётган кенг шарт-шароитлар туфайли фаолиятимиз йилдан йилга ривожланмоқда, – дейди у. – Юртимизда ўтказилаётган турли танловлар, ижодий фестиваллар фаолиятимизни янада кенгайтириш, тажриба алмашиш, билимларимизни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мазкур санъат фестивалини ўтказишдан асосий мақсад миллий ҳунармандлик анъаналарини асраб-авайлаш, уларни давом эттириш, келажак авлодларга етказиш, ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, фаолиятини ривожлантириш, қадриятлар бардавомлигини таъминлашдан иборатдир.

Фестивалда нақкошлик, кулолчилик, заргарлик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги ва металл буюмлар, миллий матолар, кашта, попоп каби ҳунармандлик маҳсулотлари намойиши юртдошларимиз ва хорижлик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

– Ўзбекистонда биринчи бор бўлишим, – дейди ЎзА мухбирига Жанубий кореялик Чой Мин Ҳее. – Қадимий шаҳарлар, ўзига хос меъморлик анъаналари, ранглар уйғунлиги ва услубига эга тарихий обидалар мени ўзига ром этди. Бугун эса халқ амалий санъати намуналари, ҳунармандлик буюмларини кўриб ҳайратланмоқдаман. Халқингизнинг бой тарихи, юксак маданияти акс этган ноёб қадриятлари билан танишганимдан мамнунман.

Икки кун давом этган фестивалда миллий халқ ўйинлари, фольклор жамоаларининг чиқишлари, қўғирчоқсоз усталарнинг ижодий намойишлари ҳамда ҳунармандлик маҳсулотларининг кўргазма-савдоси ҳам ташкил этилди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бухорода «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган ўн уч нафар профилактика инспектори иштирок этган тадбирда қатнашчиларнинг ҳудудларида осойишталик борасидаги вазият, воя-га етмаганлар билан ишларнинг самарадорлиги кўриб чиқилди.

• Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида кузги-қишки агротехник тадбирларнинг бажарилиши ва қишлоқ хўжалигида янги мавсумга тайёргарлик кўришнинг долзарб вазифаларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

• Қашқадарёда вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган адабий-бадиий тадбир Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишланди.

• Урганч шаҳрида яна бир хусусий клиника ўз фаолиятини бошлади. Тажрибали тиббиёт ходими Бикажон Бобониёзова томонидан ташкил этилган клиника энг сўнгги русумдаги замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланди. Клиникага келувчилар терапевт, невропатолог, акушер-гинеколог, физиотерапевт сингари мутахассисларнинг намунали тиббий хизматидан баҳраманд бўлишяпти.

• Самарқандда «Элхолдинг» компанияси биринчи бўлиб Ўзбекистонда уч ғилдиракли мотоцикллар, енгил автомобиллар учун тиркамаларни ишлаб чиқаришни бошлади. Ҳозирги пайтда ушбу корхонада бир йилда етти мингта мотоцикллар ишлаб чиқарилмоқда. Мотоцикл 650 килограмм юк кўтаришга мўлжалланган бўлиб, ёқилғи сарфлаш жиҳатидан ҳам жуда тежамкордир. Ушбу мотоцикларнинг МДҲ давлатларига ҳам экспорт қилиниши режалаштирилган.

ЖАҲОНДА

• Малайзияда рўй берган кучли сув тошқинлари натижасида 3,2 минг киши ўз уй-жойларини тарк этишга мажбур бўлди. Кучли жала қуйиши боис юзага келган тошқинлар туфайли тўққизта йўл беркитилди, тўртта жойда ер кўчиши юз берди. Метеорологлар мамлакатда хавфсизликнинг пушти даражасини белгиладилар.

• Тез орада АҚШ томонидан Кубага қарши қўлланилаётган савдо ва инвестициялар, ҳар икки мамлакатга ўзаро сафарлар уюштириш борасидаги чекловларнинг бир қисми бекор қилинади. Жумладан, америкаликлар учун Кубадан тадбиркорлик йўли билан айрим товарларни келтириш жараёни осонлаштирилади, шунингдек, United Airlines авиакомпанияси ҳам АҚШдан Кубага бир нечта авиарейсларни йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

САМАРАЛИ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАМИЯТ РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги» мавзусида ташкил этилган анжуманда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш тартибига риоя этишни янада яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий асоси – миллий қонунчилик тизимини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлиши изчил таъминланаётир. Бу, ўз навбатида, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, барча соҳаларни эркинлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга замин яратмоқда.

Бу борада Адлия вазирлиги томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш билан бирга, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, эълон қилиш ва манфаатдор шахсларга етказишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан доимий назорат амалга оширилмоқда.

Таҳлиллар вазирлик ва идоралар томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш борасида айрим ҳолларда қатор камчиликларга йўл қўйилаётганини кўрсатмоқда. Қонун ҳужжатлари ва қонунчилик техникаси талабларига мувофиқ бўлмаган айрим ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилаётгани шуни тасдиқлайди. Бундай камчиликларни бартараф этиш, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Адлия вазирлиги томонидан янги таҳрирдаги «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари» қабул қилинди. Унда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича айрим талаблар соддалаштирилган.

Анжуманда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун кенг эркинликлар берилаётгани, бу борада учраётган айрим тўсиқларни бартараф этиш долзарб вазифалардан бири эканига эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 сентябрдаги «Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига кўра 2015 йил 1 январдан бошлаб бу борада янги тартиб ўрнатилди.

Унга кўра, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга таъсир этадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар уни ишлаб чиқувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида муҳокама қилиш ва тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш учун жойлаштирилади. Муҳокама иштирокчилари томонидан билдирилган таклифлар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан кўриб чиқилиши шарт.

Бу ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар томонлама мукаммаллиги кафолати бўлиши билан бирга мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражаси халқаро рейтинги янада ошишини таъминлашга хизмат қилади.

Тадбирда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Ватан — улуғ, бурчим муқаддас!

ИМТИЁЗ МУНОСИБЛАРГА БЕРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ёшлар давлат тест синовларини топширмоқда. Мазкур тест синовлари ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг мамлакатимиз олий таълим муассасаларига имтиёзли асосда ўқишга кириш имконини берадиган тавсияномасини олиш учун номзодларни саралашнинг якуний босқичидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 31 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарори муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларга мамлакатимиз олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тавсияномалар беришда тегишли тартиб ўрнатиш ҳамда уларга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи омилларини кучайтиришдек эзгу мақсадларга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Қарорда тегишли тавсияномага эга бўлган фуқаролар барча йўналиш ва мутахассисликлар бўйича мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига ўқишга киришда тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл шаклидаги имтиёзга эга бўлади. Номзодлар бундай тавсияномани олиш учун жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлик, ҳарбий интизом ва тест синовлари натижалари бўйича энг кўп балл тўплаши зарур.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларига кириш учун тавсиянома бериш тартиби Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг қўшма қарорига биноан тасдиқланган махсус низом билан белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий тайёргарликка оид дастурларни ўзлаштириш даражаси ва билимини якуний баҳолаш учун масъул этиб тайинланган.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Тошкент ҳарбий округининг ҳарбий қисм ва муассасаларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган юрт посбонлари биринчилардан бўлиб ўз билимини синаб кўрди.

Тест синовлари мавзуга оид уч йўналиш – умумҳарбий, маънавий-маърифий тайёргарлик ва мантиқий саволлардан иборат. Намунавий тест саволларида ҳарбий хизматчиларни тайёрлаш дастурлари, уларнинг жанговар хизмат фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган. Тест синовлари натижалари тегишли текширувдан ўтказилгач, ҳарбий қисм қўмондонлигига юборилади ва айнан шу маълумотлар жорий йил март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматчиларни резервга бўшатиш жараёнида тавсияномалар беришда муҳим ўрин тутади.

– Болалигимдан ҳарбий хизматчи бўлишни орзу қилардим, – дейди навоийлик оддий аскар Д.Убайдуллаев. – Муддатли ҳарбий хизматни ўташ чоғида ҳарбий ишни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ўзида мужассам этган фанлар ҳамда ихтисосликлар, турли ижтимоий фанлар бўйича зарур билимга эга бўлмоқдамиз. Муддатли ҳарбий хизматни якунлаганимдан сўнг олий ҳарбий таълим муассасасига ҳужжат топширмоқчиман.

Тест синовлари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА мухбири
Отабек Мирсоатов (ЎзА) олган сурат

МАРДЛИК ВА ЖАСОРАТ ДАРСЛАРИ

Мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида «Мардлик ва жасорат дарслари» ташкил этилди.

Инсон бахти ва иқболи учун зарур моддий ва маънавий неъматларнинг асоси тинчликдир. Бироқ тинчлик ва тараққиёт, фаровонлик ва ободлик ўз-ўзидан бўлмайди. Бу неъматларнинг барқарор бўлиши учун эзгу мақсадларда собитқадамлик, тинчликнинг маъно-мазмунини бойитиш, бутун халқни, айниқса, ёшларни осуда ҳаёт қадрига етиб яшаш руҳида тарбиялаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида ўтказилган Ҳарбий ватанпарварлик ойлиги ва ойлик доирасида ташкил этилган «Мардлик ва жасорат дарслари» шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугун ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган давлат сиёсатида аввало ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш устувор аҳамият касб этади. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида таъкидлаганидек, миллий армиямизни шакллантириш ва ислоҳ қилиш жараёнида тўпланган тажрибани барча тоифадаги ҳарбий хизматчилар, чақириқ ёшига етмаган ўғлонларимиз ўртасида ҳар томонлама тарғиб қилиш ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни ташкил этишда кенг қўллаш муҳим йўналишлардан биридир.

– Ойлик доирасида ўтказилган оммавий-ватанпарварлик тадбирларида бу жиҳатларга алоҳида эътибор берилди, – дейди ЎзА мухбирига Халқ таълими вазирлигининг маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳикматилла Даминов. – Вазирлик томонидан ишлаб чиқилган «Ватан – улуғ, бурчим муқаддас!» номли услубий тавсия, «Тинчлик учун курашмоқ керак» номли мардлик ва жасорат дарсларини ўтиш бўйича дарс ишланмаси ойлик самарадорлигини оширишга ҳисса қўшди.

Ойлик доирасида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳарбий округ ва гарнизонлари билан ҳамкорликда ҳарбий қисм ва ҳарбий ўқув муассасаларига умумтаълим мактаблари ўқувчиларнинг экскурсиялари ташкил қилинди. Ўқувчилар пойтахтимиздаги Қуролли Кучлар Давлат музейига келиб, она юрт ҳимояси муқаддас бурч экани, аждодларимиз кўрсатган мардлик ва жасорат, Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида билим ва тушунчаларини янада бойитди.

Ойлик давомида «Аждодлар қаҳрамонлиги – ёшларга ибрат» мавзусида 2-4-синфларда диктант, 5-7-синфларда баён ва 8-9-синфларда иншо танловлари ўтказилди.

Таълим масканлари Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган шиор ва плакатлар билан безатилди. Мамлакатимиз мудофаа салоҳияти акс эттирилган деворий газеталар тайёрланди. «Ватанимиз келажагини қуришга барчамиз масъулмиз», «Аждодлар қаҳрамонлиги – ёшларга ибрат» мавзуларида тарбиявий соатлар ўтказилди. «Миллий армиямиз – ғуруримиз, ифтихоримиз», «Менинг армиям – менинг фахрим», «Ватан ҳимояси – муқаддас бурч», «Ҳарбий хизмат – мардлик, чиниқиш, тобланиш мактаби», «Она юртни мард ўғлонлар қўриқлайди», «Ўзбек йигити – мустақиллик посбони» каби мавзуларда соҳа мутахассислари иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари уюштирилди.

Ҳарбийлар, фахрийлар, ёзувчи ва шоирлар иштирокида умумтаълим мактабларида ўтказилган «Мардлик ва жасорат дарслари»да ёшларга мустақилликнинг моҳияти, Ватан ягоналиги, уни ҳимоя қилиш, бойликларини асраб-авайлаш шарафли бурч эканини англатишга эътибор қаратилди. Уларга мамлакатимиздаги фаровон ҳаёт, тинчлик ва хотиржамликнинг замирида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат мужассам экани, аскар ва офицерларимизнинг туну кун Ватан олдидаги фарзандлик бурчини сидқидилдан бажараётгани ҳаётий мисоллар орқали сўзлаб берилди.

– Дарс давомида Ватанимизнинг мард ва жасур посбонларига ҳавасим ортди, – дейди пойтахтимиздаги 300-давлат ихтисослаштирилган мактабининг 4-синф ўқувчиси Абдувоҳид Собиров. – Келажакда мен ҳам аскар бўлишни дилимга тугдим.

...Шу куни келажагимиз давомчилари бўлган минглаб ёшлар қалбида бўлғуси Ватан ҳимоячиси эканидан ғурурланиш туйғуси шаклланди. Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлиги учун масъуллик, ҳаётимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига дахлдорлик ҳисси уйғонди. Зеро, тинчлик ҳукмрон юртдагина инсон буюк ва эзгу орзуларни кўнглига тугиши, уларнинг ушалишидан қалби қувонча тўлиши, ўз иқтидори, қобилияти ва салоҳиятини тўла намойиш этиши мумкин. Ватани тинч, кўнгли хотиржам халққа тўй-тантаналар, шодлик ва хурсандлик ярашади, аҳиллик ва тотувлик, қут ва барака ҳамдам бўлади.

Дилшод КАРИМОВ

Учтепа тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

УЧТЕПА ТУМАНИНИНГ 2015 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ПАРАМЕТРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2013 йил 31 декабрь, 52-(1)-сон) 28, 99-моддалари, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) 25-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги СК-453-II-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-2270-сонли Қарори («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2014 йил 15 декабрь, 50-сон, 590-модда), халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2014 йил 10 декабрдаги «Тошкент шаҳрининг 2015 йилги маҳаллий бюджет даромадлари ва харажатлари ҳажмлари тўғрисида»ги 334/4-40-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 23 декабрдаги 1053-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида ва туман молия бўлимининг 2014 йил 25 декабрдаги 02-101/03-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2014 йил 23 декабрдаги «Тошкент шаҳрининг 2015 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1053-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Учтепа туманининг 2015 йилги маҳаллий бюджетининг асосий параметрлари 1-иловага мувофиқ;

Туман маҳаллий бюджетининг 2015 йил учун даромадлар ва харажатлари ҳамда Тошкент шаҳар бюджетидан берилган даромадларнинг миқдорлари 2-иловага мувофиқ;

Умумдавлат солиқларидан туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёрлари 3-иловага мувофиқ;

Туман маҳаллий бюджетининг 2015 йил учун айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимлиги молия бўлимига 2015 молия йили давомида:

туман маҳаллий бюджетининг даромадлар ва харажатлар қисмига ўзгартиришлар киритиш туман ҳокимлигининг молия бўлими тақдимномасига кўра туман ҳокимининг қарори асосида амалга оширилсин.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (Ғ.Шамсиев) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Компьютерлаштириш маркази» ДУКнинг Учтепа туман тармоқ администратори (Ш.Камолов):

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида мазкур қарорнинг расмий эълон қилиниши ва www.uchtepa.poytaht.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Туман ҳокимининг 2013 йил 31 декабрь кунидаги «Тошкент шаҳар ҳокимининг 2013 йил 28 декабрдаги 1051-сонли қарори ижроси тўғрисида»ги 560-сонли қарори ўз кучини йўқотади.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Каримбеков ва туман ҳокимининг ўринбосари А.Элтоев зиммаларига юклансин.

Учтепа тумани ҳокими
А.Досмухамедов

2014 йил 31 декабрь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Бугунги кунда пойтахтимизда 9 мингдан ортиқ кўп қаватли уй-жой мавжуд. Уларнинг ҳар бири уй-жой коммунал хўжалиги томонидан алоҳида хизмат кўрсатиш ва самарали бошқарувни талаб қилади. Бу борадаги ишлар самарадорлигини хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати таъминлай олади. Ушбу соҳада салмоқли натижаларга эришаётган намунали маҳаллалар пойтахтимизда кўпчиликни ташкил этади. Миробод туманидаги Шароф Рашидов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини шулардан бири.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

– Маҳалламизда 19 кўп қаватли уй мавжуд, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Равшан Убайдуллаев. – Айни пайтда маҳалла аҳолисининг электр энергияси ва газ хизматлари тўлови бўйича қарздорлиги йўқ. Улар фойдаланилган иссиқ сув ва иссиқлик энергияси учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириб келмоқда.

Маҳалла ҳудудини ободонлаштириш бўйича ижобий натижаларга эришишда аҳолининг ҳамжиҳатлиги муҳим ўрин тутмоқда. Бундан ташқари, аҳоли ўртасида кўрсатилаётган хизматлар учун мавжуд қарзларни ўз вақтида тўлаш зарурлиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Маҳалла аҳли коммунал хизматлар учун тўланадиган маблағ тизимни модернизация қилиш, соҳада истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, махсус асбоб-ускуна ва коммуникацияларни таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш, коммунал хўжалик ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашга йўналтирилишини яхши тушунади.

(ЎзА)

Кўрик-танловлар

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида «Балли, йигитлар» кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилди.

Кўрик-танлов икки босқичда ИИВ академиясида тингловчи ва курсантларни Ватанга муҳаббат, танлаган касбга садоқат руҳида тарбиялаш, юксак жанговар тайёргарлиги даражасини ошириш, ўқув ва хизмат интизомига риоя этишни янада мустаҳкамлаш, интеллектуал қобилиятларини шакллантириш мақсадида ташкил этилди.

Танловнинг биринчи босқичи мусобақаларида академия тингловчилари турникда тортилиш, арқон тортиш ва тош кўтариш, ўқотар қуроллардан фойдаланиш, нишонга амалий ўқ отиш каби шартларда бор маҳоратларини намоён этишди. Мазкур шартлардан сўнг кўрик-танлов иштирокчилари пазандачилик борасида беллашдилар.

— «Балли йигитлар» кўрик-танлови Ўзбекистон Республикаси ИИВ академиясида анъанавий тарзда ўтказиб келинади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг Ижтимоий-гуманитар фанлар илмий-методик Кенгаши раиси, полковник Шариф Қобилов. — Тадбир «Мардлар қўриқлайди Ватанни» деган эзгу шиор остида барча тингловчиларни жипслаштиришга қаратилган. Мазкур танловга йигитларимизнинг жиддий тайёргарлик кўришганига ўзимиз гувоҳ бўлдик. Кўрик-танловни ўтказишдан мақсад тингловчи курсантларни элу юртга, қасамёдига садоқат руҳида тарбиялаш, мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг юксак жанговар тайёргарлиги даражасини оширишдан иборат. Ҳарбийларимизга тинчлик-осойишталигимиз, сарҳадларимиз хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятларида муваффақият тилайман.

Кўрик-танловнинг якуний босқичида жамоалар танишув, Ватан мадҳи, тезкор савол-жавоб, эркин мавзу каби шартлар бўйича ўз иқтидорларини кўрсатишди.

— Шахсни тарбиялашда нафақат назарий билимлар керак бўлади, балки жамоат ишларида фаол қатнашиш, жамоат тадбирларида очилмаган қирраларини намоён этиш лозим, — дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси тингловчиси Нўъмонзода Акмалиддин. — Кўрик-танлов юқори савияда ташкил этилди. Ўйлайманки, бу танлов тингловчиларнинг руҳиятини кўтаришга, дунёқарашини кенгайтиришга, шунингдек, кейинги амалий фаолиятларида муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир шарт бўйича жамоалар ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Асосий эътибор кўтарилган мавзунинг долзарблиги, тарбиявий аҳамияти ҳамда иштирокчиларнинг актёрлик маҳоратларига қаратилди. Тадбир давомида барча шартларни муваффақиятли бажариб, энг кўп балл тўплаган 4-ўқув курсининг «Асл ўғлонлар» жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Кўрик-танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин истиқлол йилларида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш борасида кенг миқёсда ҳуқуқий-ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Бунинг самараси ўлароқ, эндиликда фуқароларимиз ҳуқуқий саводхонлиги жиҳатидан аввалги давр одамларига нисбатан кескин фарқ қилади. Уларга Конституциямизда белгилаб қўйилган иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларидан, жумладан, мурожаат ҳуқуқидан ҳам эмин-эркин, тўлиқ фойдаланишлари учун барча имкониятлар яратиб берилган.

Конституциямизнинг 35-моддасида «Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт», деб белгилаб қўйилган.

2014 йил 3 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди ва оммавий ахборот воситаларида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга кирди.

Мазкур Қонун 5 та боб ва 31 та моддадан иборат бўлиб, унда давлат органлари ва давлат муассасаларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари борасидаги муносабатлар тартибга солинади.

Қонуннинг 3-моддасида жисмоний ва юридик шахслар давлат органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эга деб кўрсатилган. Мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилади, ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Мазкур Қонунда мурожаат этиш ҳуқуқининг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак деб кўрсатилган.

Қонуннинг 9-моддасида давлат органларида мурожаатлар бўйича иш юритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб борилиши белгиланган.

Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек, юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахсларга давлат органларига якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат органлари мурожаатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун чоралар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланиши ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Давлат органига келиб тушган мурожаатлар шу орган томонидан ёки унинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича мажбурият зиммасига юклатилган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади.

Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган давлат органига келиб тушган мурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади. Мурожаатларни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади. Агар мурожаатларда уларни тегишли органларга юбориш учун зарур маълумотлар мавжуд бўлмаса, бу мурожаатлар мурожаат этувчига беш кунлик муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунтириш билан қайтарилади.

Жисмоний ва юридик шахслар ўз мурожаатларини улар кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган вақтда мурожаат юзасидан қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёхуд электрон шаклда ариза бериш орқали қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Мазкур Қонуннинг 20-моддасида мурожаатларни кўрмай қолдириш ҳолатлари келтирилган. Аноним мурожаатлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда ва қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатларнинг кўриб чиқилмаслиги кўрсатилган.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш ва мувофиқлаштириш, экологик барқарорликни таъминлашга оид белгиланган қоидалар ва меъёрларга тегишли идоралар, корхоналар ва ташкилотлар томонидан риоя этилишини назорат қилувчи, айниқса инсонлар саломатлиги ва уларнинг қулай табиий шароит муҳитларида ҳаёт кечиришлари йўлида доимий ишларни амалга оширади.

Қўмитага фуқаролар ва юридик шахслар томонидан аксарият ҳолатда қўмита томонидан табиатни муҳофаза қилишга оид ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар, қоида ва йўриқномаларнинг тақдим этилиши, қуриб қолган ва авария ҳолатидаги дарахтларнинг кесилиши ҳамда қўмита фаолиятига оид бошқа бир қатор масалалар юзасидан мурожаатлар келиб тушади.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришга ихтисослашган турли йўналишдаги корхона ва ташкилотларнинг иш фаолиятига рухсат бериш ҳамда давлат экологик экспертизаси ижобий хулосасини олиш учун мурожаатлар қилинади.

Қўмита раҳбарияти томонидан фуқароларни қабул қилиш вақти белгиланиб, мурожаат қилувчи шахслар эътиборига қўмитанинг «Ишонч телефонлари», қўмита сайти ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари орқали етказиб келинмоқда.

Келиб тушган мурожаатлар мазмунига қараб тегишли мутахассисларга юборилади ва назорат варақаси очилиб, мурожаатларнинг ўз вақтида бажарилиши назоратга олинади.

2014 йил давомида фуқаролардан жами 240 га яқин ариза ва шикоятлар келиб тушган. Шундан 32 таси бўйича жазо чоралари қўлланилган, 198 тасига тушунтириш хатлари берилди ва 9 та ариза ҳозирги кунда кўриб чиқилмоқда.

Мурожаатларнинг аксарияти табиатни муҳофаза қилишга оид бўлиб, айнан табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг бузилаётганлигига йўл қўйилаётган масалаларда ёрдам сўраб мурожаат қилинган.

Ҳозирги даврда электрон тизимнинг ривожланиши боис ёзма равишда келиб тушган мурожаатлардан ташқари, шикоятлар қўмитанинг электрон манзилига ягона интернет портали орқали келиб тушмоқда.

Фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқлари уларнинг келиб тушган мурожаатларида акс эттирилиб, қўмита томонидан қонунда белгиланган муддатларда кўрилиб чиқилмоқда.

Фуқаролар мурожаатларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши ва мурожаатлар эгаларига жавоб берилиши Қонунда белгиланган муддатларда бажариб келинмоқда.

Шомурод МУХАМЕДЖАНОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси

ШАҲАР ТРАНСПОРТИДА ЯНГИ ТЎЛОВ ХИЗМАТИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

«Тошшаҳартрансхизмат» АК маълумотига кўра, икки йил ичида Тошкент жамоатчилик транспортида смарт-карта орқали контактсиз тўлов тизимини йўлга қўйишни режалаштирмоқда.

Янги тизим бўйича босиб ўтилган масофага қараб пул тўланади ва йўлкира тўлови таҳлилидан келиб чиқиб, йўналиш тармоғи янада оптималлаштирилади.

Компания тизимни жорий этиш бўйича саккизта, жумладан, иккита маҳаллий компаниядан келиб тушган таклифларни кўриб чиқмоқда. Шунингдек,тизимда халқаро тажрибаларни ўрганишга ҳам эътибор қаратилмоқда.

— Биз молиялаштириш масалаларини ҳам ҳал этишимиз зарур, бу мақсадларга кредит маблағлари жалб этилиши ҳам мумкин, — дейди «Тошшаҳартрансхизмат» АК бошқарув раиси Отабек Содиқов. — Якуний экспертизадан сўнг лойиҳа кўриб чиқиш учун ҳукуматга тақдим этилади. О.Содиқовнинг таъкидлашича, автобуслар сонидан келиб чиқиб, тизимни жорий этиш учун 3-4 ой талаб этилади.

Манзура БЕКЧОНОВА,
«Туркистон-пресс»

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан «Иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларнинг интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилаётган фестиваль ва танловлар сарҳисоби ҳамда янги лойиҳалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг ўз салоҳияти ва интилишларини рўёбга чиқариши учун кенг имкониятлар яратишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, қатор фармонлар, давлат дастурлари ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни кучли ижтимоий ҳимоялаш, касб-ҳунар эгаллашида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳани ривожлантириш, хусусан, навқирон авлодни санъатга ошно этиш орқали миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрлик самарасида нуфузли халқаро фестиваль ва танловларда Ватанимиз шуҳратини тараннум этиб келаётган ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Соғлом бола йилида юртимиз ўқувчиларидан 10 нафари йирик халқаро мусиқа ва санъат фестивалларида Гран прини, 60 нафари биринчи ўринни қўлга киритгани бунинг яққол тасдиғидир.

– Юртбошимизнинг ёшларга кўрсатаётган алоҳида эътиборини тенгдошларим,, қолаверса, ўз ҳаётим мисолида теран ҳис қиламан, – дейди «Дебют – 2014» кўрик-фестивали ғолиби Ўзбектош Қиличев. – Яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар, меҳнатимизга берилаётган юксак баҳо бизга катта масъулият юклайди ва янада юқори марраларга эришишга ундайди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда санъат ва маданият соҳасида истеъдодли ёшларни рағбатлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама етук инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган кўплаб лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. «Фавворалар сайли» оммавий-маданий тадбири, «Ёшлик баҳори» ёш опера ижрочилари, «Онам айтган аллалар», «Дебют» кўрик-фестиваллари, «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Созлар навоси» танловлари, турли маданий-маърифий тадбирлар шулар жумласидандир.

Анжуманда ёшлар камолотига йўналтирилган лойиҳалар кўламини янада кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жорий йилда «Шодлик наволари», «Санъат қалдирғочлари», «Халқ рақслари ижрочилари» фестиваллари, «Хуш кайфият» ва «Ижодимиз сенга, Ватан!» танловлари, «Ижодкор ёшлар оромгоҳи» каби лойиҳаларни амалга ошириш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Барно МЕЛИҚУЛОВА,
ЎзА мухбири

ДАСТУР ИЖРОСИ БОРАСИДАГИ ИШЛАР

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси юзасидан Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан чора-тадбирлар режаси тузилиб, унга кўра ўтган йили қуйидаги ишлар амалга оширилди.

1 февраль куни «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш мақсадида Ўзбекистон Экологик ҳаракати шаҳар Кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Яшнобод туман бўлими билан биргаликда «Атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда жамоатчиликнинг ўрни» мавзусида Тошкент педиатрия-тиббиёт институти қошидаги 2-сонли академик лицейда «Дўстлик» маҳалласи ҳудудини ободонлаштириш мақсадида учрашув ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги «Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида»ги қарорининг ижроси, шаҳар ҳудудидаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан тўғри фойдаланиш масалаларига бағишлаб Сергели, Шайхонтоҳур, Яшнобод ва Чилонзор туманлари ҳокимликларида тумандаги барча корхона, ташкилотлар, маҳаллалар вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказилди.

8 апрелда Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мажлислар залида «Тошкент шаҳар экологияси» мавзусида ОАВ вакиллари иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди.

19 апрелда Ботаника боғида «Наврўз, келажак ниҳоллари» шиори остида Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан экологик фестиваль ўтказилди.

Тошкент шаҳри экологиясини соғломлаштириш мақсадида ОАВда 2014 йил давомида 60 та телекўрсатув, 53 та радиоэшиттириш уюштирилди, 118 та мақолалар чоп этилди, қўмита сайти орқали 65 та ахборот берилди.

16 сентябрь — Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш кунига бағишлаб «Ecolandscape» ННТ билан ҳамкорлик шартномаси асосида Тошкент шаҳар геодезия ва картография коллежида «Озон қатлами ва биз» мавзуида экологик конференция уюштирилди.

Чилонзор туманидаги 163-сонли умумтаълим мактабида «Мактабда озон соябони» мавзусидаги тадбир, «Ecolandscape» ННТ билан ҳамкорликда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мажлислар залида экоклуб раҳбарлари билан экологик семинар ўтказилди.

2014 йил давомида «Ecolandscape» ННТ билан ҳамкорлик шартномаси асосида мактабларда экоклуб раҳбарлари билан 11 та экологик семинарлар ташкил қилинди.

4 ноябрда «Баркамол авлод» шаҳар болалар ижодиёт маркази билан биргаликда экологик ва ўлкашунослик йўналишидаги «Олтин куз жилолари», 6 ноябрда «Ўзбекистонда олтин куз» мавзусида экологик тадбирлар ўтказилди, 24 декабрда «Баркамол авлод» шаҳар болалар ижодиёт марказида «Либослар дизайни — табиат уйғунлигида» мавзусида экологик тадбир бўлиб ўтди.

«Қадрдон шаҳрим экологияси» мавзусида шаҳар мактаблари ўқувчилари ўртасида еттинчи марта расмлар кўрик-танлови ўтказилди. Танлов ғолибларига қўмита томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар тақдим қилинди.

Бундан ташқари, 2014 йил давомида «Чинор» экологик нашриёт компанияси билан тузилган шартномага асосан «Хазонларни ёқманг», «Чиқиндиларнинг иккинчи ҳаёти», «Сувни асранг» ва «Дарахтларни асранг» мавзуларида плакатлар чоп этилди ҳамда Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига тақдим қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари томонидан «Қоплон» экожурналистика йўналишидаги танловнинг 2014 йилги босқичи ташкил этилди.

ЭКОЖУРНАЛИСТИКА ЙЎНАЛИШИДАГИ ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛДИ

Кўрик-танлов ҳар йили ўтказиб келинмоқда, бу йилги танлов давомида республикамиз бўйлаб журналистлар томонидан тайёрланган табиатни муҳофаза қилиш мавзусига оид мақола ва ҳужжатли фильмлар ҳамда эшиттиришли овозлар тақдим қилинди.

Танлов давомида бир неча ўнлаб журналистлар томонидан мақола ва эшиттиришли овозлар ҳамда видеофильмлар тайёрланган бўлиб, ҳар бир иш ўзига хос мавзуга эга, яъни уларда она-табиатга бўлган муносабат, юртимизнинг бой табиий ёдгорликлари, табиий бойликлари, озон қатламининг емирилиши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси ҳамда очиқ сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш, чиқиндиларни тўғри жойлаштириш ва уларни зарарсизлантириш ҳамда табиатга етказилаётган бошқа салбий таъсирлар ўз аксини топган.

Танлов асосан 4 хил йўналишда ташкиллаштирилди, яъни унда теле ва радио ҳамда газета ва сайт журналистикаси йўналишларида журналистлар қатнашишди.

Ҳайъат аъзолари томонидан энг яхши экология соҳасига оид мавзули ишлар бўйича «Тошкент» телеканалидан Д.Мадаминова, www.uznature.uz сайтида В.Рзаева, «Дунё бўйлаб» телеканали ходими А.Мамасидиқов, www. anhor.uz сайти бўйича Е.Чепурнова, «Ёшлар» радиоканалидан У.Хоннаева каби журналистлар ғолиб деб топилди.

Танлов ғолибларига қўмита томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда дипломлар тақдим қилинди.

ЭКОЛОГИК БИЛИМЛАРНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ИТТ ва ЭТ бўлими ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик онгини ҳамда аҳолининг экологик маданиятини ошириш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради.

2014 йил давомида Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда «Тошкент» телерадиоканали билан ҳамкорликдаги режага асосан қўмита ходимлари томонидан 60 та телекўрсатув ва 53 та радиоэшиттиришлар амалга оширилди. Ушбу кўрсаткич 2013 йил давомида 36 та телекўрсатув ва 58 та радиоэшиттиришни ташкил қилган.

«Тошкент» радиоканалида ҳар ойда ўзбек ва рус тилларида тўғридан-тўғри иккита эфирлар йўлга қўйилган. Ушбу радиоэшиттиришларда ҳамшаҳарларимиз ўзларини қизиқтирган бир қанча саволлар билан мурожаат қилишади.

Бундан ташқари «Тошкент» радиоканалида ўзбек ва рус тилларида «Пойтахт» дастури орқали ҳар ҳафтада бир марта табиатни муҳофаза қилишга оид радиоэшиттиришлар узатилади.

2014 йил давомида қўмитанинг www.ecocitu.uz интернет портали орқали 65 та (45) маълумотлар, қолаверса «Тошкент оқшоми» газетасида 8 марта «Табиат ва инсон», «Вечерний Ташкент» газетасида «Человек и природа» саҳифалари эса 5 марта берилди. «Оқшом» газеталарида табиат муҳофазаси бўйича жами 118 та мақола чоп этилган.

Бундан ташқари, «Ҳар томчида ҳаёт акси» ва «Гўзал ва обод юртим» деб номланган 2 та роликлар «Дунё бўйлаб» телеканалида тақдим этиб келинмоқда.

Ўтган йил давомида мактаб ўқувчилари билан 47 дан ортиқ учрашув ўтказилди. 2014 йил апрель ойида «Тошкент шаҳри экологияси» мавзусида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда Ботаника боғида мактаб ўқувчилари ҳамда талаба-ёшлар билан биргаликда Наврўз сайли ўтказилди.

30 майда информацион технологиялар академик лицейида «Ёшлар, экология, саломатлик» мавзусида, 2 июнда кимё-технология институти қошидаги академик лицейда «Инсон, жамият, экология» мавзусида, «Ecolandscape» ННТ экологик жамият билан ҳамкорликда тадбирлар, 3 июнь куни эса Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси «Ekomaktab» ННТ билан биргаликда GM «Povertrain Uzbekistan» ЁАЖ қўшма корхонасида радио ва телевидение журналистларига медиатур ташкил қилинди. Маҳаллаларда аҳоли ўртасида сув ҳавзалари тозалигининг санитар ҳолатини сақлаб қолиш мақсадида туман инспекторлари ва СЭС билан биргаликда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Чилонзор туманидаги 163-сонли ўрта мактабда экофестивал, Тошкент геодезия ва картография коллежида экоконференция, Тошкент кимё-технологиялари институти қошидаги академик лицей ўқувчилари билан ҳамкорликда театрлаштирилган экологик тадбир ўтказилди.

Октябрь ойида «Ecolandscape» ННТ билан биргаликда қўмита залида ўқув юртларида экоклуб раҳбарлари иштирокида «Экоклуб раҳбарларининг иш самарадорлигини ва малакасини ошириш» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Қўмитада бундан ташқари бир қанча ўқувчи ва талабалар амалиёт курсларини ўташмоқда.

Азиз КАЛИМБЕТОВ,
Ахборот ва тарғибот бўлими бошлиғи

Учинчи босқич: викторина давом этади!

«СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»

Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга очаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти **«Сиз Тошкентни биласизми?»** викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталаримизда викторина саволлари эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўнта саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлақ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари **«Тошкент оқшоми»** – **«Вечерний Ташкент»** газеталари таҳририятига ёки **gazeta-vto@umail.uz, info@tashkent.uz** электрон манзилларига йўлланиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар: 233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.

Савол:

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик байрами қачон нишонланган?

Мини-футбол

«ЎЗАГРОСУҒУРТА» ЖАМОАСИ — ҒОЛИБ

«Ўзбекистон» спорт мажмуасида мини-футбол бўйича Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кубоги якунланди.

Турли вазирлик ва идоралар ходимлари ўртасида ўтказилган анъанавий мусобақада 12 жамоа ўзаро баҳслашди.

Мусобақанинг ҳал қилувчи баҳси «Олий суд» ва «Ўзагросуғурта» жамоалари ўртасида бўлди. Ушбу учрашувга қадар «Ўзагросуғурта» жамоаси Адлия ва Ташқи ишлар вазирликлари жамоаларини мағлубиятга учратган эди.

Финал баҳсида «Ўзагросуғурта» вакиллари «Олий суд» жамоасини 5:4 ҳисобида енгиб, мусобақа бош совринини қўлга киритди. Учинчи ўрин Давлат солиқ қўмитаси жамоасига насиб этди.

Мусобақада турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар тақдирланди.

Австралияда футбол бўйича ўтказилаётган Осиё кубогининг гуруҳ баҳсларидаги сўнгги учрашувда Ўзбекистон миллий терма жамоаси Саудия Арабистони вакилларини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Осиё кубоги — 2015

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ЧОРАК ФИНАЛДА

Футболчиларимиз нуфузли мусобақанинг «В» гуруҳидаги дастлабки баҳсда КХДР терма жамоасини 1:0 ҳисобида енгиб, кейинги учрашувда хитойлик футболчиларга 1:2 ҳисобида имкониятни бой берган эди. Ўз навбатида Саудия Арабистони жамоаси ҳисобида ҳам биттадан ғалаба ва мағлубият бор эди. Шу боис, гуруҳдаги сўнгги баҳсда ғалаба қозониш ҳар икки терма жамоа учун зарур эди. Зеро, мазкур учрашувда ғолибликни қўлга киритган жамоа Осиё кубогининг чорак финалига чиқиш имконига эга бўларди.

Миржалол Қосимов шогирдлари учрашув бошиданоқ ҳужумкор ўйин намойиш этди ва 2-дақиқада терма жамоамиз ярим ҳимоячиси Сардор Рашидов рақиб дарвозасига аниқ зарба йўллаб, ҳисобни очди.

Учрашувнинг 59-дақиқасида Игнатий Нестеров қўриқлаётган дарвозага ҳакам томонидан белгиланган пенальти эвазига Муҳаммад ал-Саҳлавий ҳисобни тенглаштирган бўлса, 71-дақиқада Воҳид Шодиевнинг боши билан йўллаган аниқ зарбасини рақиб дарвозабони қайтара олмади. Орадан етти дақиқа ўтиб, Жасур Ҳасанов оширган тўпни яна Сардор Рашидов рақиб дарвозасига жойлаб, терма жамоамизнинг 3:1 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Шу тариқа, футболчиларимиз 6 очко билан гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб, чорак финалга чиқди. Энди ҳамюртларимиз ярим финалга чиқиш учун Жанубий Корея терма жамоаси билан куч синашади.

(ЎзА)

ТИББИЁТДАГИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг пойтахтимиздаги тиббий-ижтимоий марказида Ewha университети (Корея Республикаси) госпиталининг малакали шифокорлари аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда турли хайрия тадбирлари, тиббий-ижтимоий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, туғма юрак нуқсони, терининг куйиш асоратлари, қўл-оёқ бўғимлари ва бошқа касалликлар билан оғриган беморларни ҳамда имконияти чекланган болаларни соғломлаштиришга малакали шифокорлар жалб этилмоқда.

Мунтазам ўтказилаётган тиббий кўриклар, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган соғломлаштириш лойиҳалари мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама соғлом авлод туғилиши ва вояга етиши учун хизмат қилаётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлаётир.

– Малакали мутахассислар томонидан мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар саломатлиги доимий сифатли тиббий кўрикдан ўтказилмоқда, – дейди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди бўлим бошлиғи Жумабек Сатторов. – Оилалардаги ижтимоий шароит ва психологик муҳит ўрганилиб, тегишли амалий ёрдамлар кўрсатилаётир. Ушбу саъй-ҳаракатлар самарасида аҳолининг репродуктив саломатлиги мустаҳкамланиб бораётир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида амалга оширилаётган мазкур хайрия тадбири доирасида педиатр, офтальмолог, гематолог, кардиолог, терапевт, стоматолог, фармацевт каби мутахассислардан иборат Корея Республикаси делегацияси аъзолари мамлакатимиз шифокорлари билан ҳамкорликда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни режалаштирган.

– Ўзбекистонда барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш тизимида ҳам улкан муваффақиятлар қўлга киритилаётгани биз, шифокорларга яхши маълум, – дейди Ewha университети госпитали профессори Ким Жинвоо. – Юртингизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдик. Бу мазкур тиббий-ижтимоий марказнинг барча замонавий тиббий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминланганида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Ўзбекистон билан мазкур йўналишдаги ўзаро ҳамкорлигимиз изчил мустаҳкамланиб бораётганидан мамнунмиз.

Ҳафталик доирасида Ewha университети госпитали малакали мутахассислари ва юртимиз шифокорлари Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар шифохонаси ва Юқори Чирчиқ туманидаги «Ариран» кексалар уйида имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ва аёлларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказади.

Барно МЕЛИҚУЛОВА, ЎзА мухбири

Бугунги кунда одам савдоси глобал муаммолардан бири бўлиб, юртимизда ушбу муаммога қарши самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбирлар

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИМИЗ

Сергели саноат касб-ҳунар коллежида ҳам «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши томонидан «Одам савдоси — давр муаммоси» мавзуида ушбу муассаса ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Тадбирни коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Фотима Сатторова очиб, давлатимиз томонидан ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди. Шу билан бирга ёшларимизнинг салбий иллатлар ҳисобланмиш гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, динни нотўғри талқин қиладиган одамлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш ҳамда одам савдоси қурбонига айланмаслик учун огоҳ бўлиш муҳимлигини алоҳида қайд этди.

— Бугунги кунда ёшларимизга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътиборни эътироф этиш муҳим, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши раиси в.в.б. Шуҳрат Каримов. — Ёшларимизнинг барча соҳаларда эришаётган ютуқлари Ўзбекистонимиз келажагининг буюклигини намоён этади. Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун «Камолот» спорт комплекслари, «Камолот» уйлари, боғлар фаолият юритиб келмоқда.

Тадбир сўнгида ёшлар томонидан одам савдосининг мудҳиш оқибатларини очиб берувчи саҳна кўриниши намойиш этилди.

Зафар НАЗАРОВ

«101»

НОСОЗ ЭЛЕКТР ВА ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНМАНГ

Кунлар совиши натижасида баъзи фуқароларимиз хонадонларида давлат стандартларига жавоб бермайдиган иситиш печи ва мосламаларидан фойдаланишади.

Шуни инобатга олган ҳолда тушунтириш ишлари нафақат ишхоналарда, балки хонадонларда ҳам олиб борилмоқда. Ўтказилаётган чора-тадбирлар шаҳримизда истиқомат қилаётган ҳар бир оила хавфсизлигининг кафолатидир. Лекин энг аввало, фуқароларимизнинг ўзлари оловдан нотўғри фойдаланишнинг оқибати аянчли эканлигини чуқур англаб етсалар, нур устига аъло нур бўларди.

Албатта, хонадон соҳиблари фойдаланаётган турли иситиш мосламаларини мутахассис кўригидан ўтказганидан сўнггина ишлатиш даркор. Шундагина кўнгил хотиржам бўлиб, оила аъзоларининг хавфсизлиги таъминланади.

Ёнғинларнинг аксарият сабаби оловдан, носоз электр ва газ жиҳозларидан фойдаланишдаги эҳтиётсизлик, болаларнинг қаровсиз қолиши, ўт билан ўйнашлари натижасида юз бермоқда. Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун соҳа ходимлари жойларда текширувлар ўтказиб келишаётир.

Мазкур текширишларнинг бевосита маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилиши ва жойида таҳлил қилиниши ҳудуддаги аҳолини ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жиддийроқ қарашга, ёнғинни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга ундайди.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоиз: носоз электр қурилмаларидан фойдаланиш натижасида ёнғин содир бўлиш ҳоллари вужудга келиши мумкин. Электр тармоғига бир вақтнинг ўзида бир нечта ток қабул қилувчи воситаларни улаш, электр асбобларини қаровсиз қолдириш, улардан ёнғин хавфи бор жойларда очиқ ҳолатда фойдаланиш мумкин эмас. Электр токи билан ишловчи турли анжомларни доимо текшириб, қисқа туташув ва бошқа шу каби ҳолатлар келиб чиқишининг олдини олиб бориш даркор.

Ҳар бир фуқаро хонадонида электр ва газ плиталаридан ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланса, ўз уйи, мол-мулки ва ҳаётини хавф-хатардан сақлаган бўлади.

Нигора САЛОХУТДИНОВА, 12-ҲЁХО 23-ҲЁҲҚ кичик инспектори, катта сержант

Қатралар

ЧИНОР ВА ШАФТОЛИ

Шафтолининг пушти гуллари атрофга файз бахш этган. Сал наридаги сарвқомат чинор унинг шаънига айтилган мақтовлардан ичи ёнаркан: «Баҳорни яна уч-тўрт марта кўрадими, йўқми? Ҳосил юкинниг азобини ўйламайди-я» — дейди ўзича.

Шафтоли эса: «Мендан неча бор кўп баҳорни кўрса ҳам, лоақал бир баҳорни гуллаб қарши ололмас эмиш-а, эссизгина узоқ умри-я», — дейди ичида чинорга ачиниб ва чинордек узоқ умр кўрмаса ҳам соз яшаётган умридан мамнун, баҳорга кулиб боқади.

ЯХШИЛИК

Ота-боланинг суҳбати одоб ҳақида эди.

— Бировга қилган яхшилигингизни унутганингиз афзал, дейишингизнинг боиси нима? — сўради ўғил.

Унутсангиз, яхшилигингизни миннат қилишга кўнглингизда жой қолмайди. Яхшилигингиз ювилиб кетмай, савоблигича қолади, болам.

Яна ўғил:

— Бошқаларнинг сизга қилган яхшилигини эса унутманг, дейишингизнинг боиси-чи? — деди.

— Мехрингиз доимо товланиб, сиз ҳам унга яхшилик қилишга интилаверасиз. Бошингиз яхшиликдан чиқмайди, деди ота мамнунлик билан.

ЎЗИГА ҚАРАБ

Хуш хулқли кишига:

— Нега сиз одобсиз одамни кўрсангиз ҳам унга хуш кўриндингиз? — дейишди.

— Унинг ёқимсиз томонини кўнглимга олмай, ёқимли томонини ўйладим, — дебди.

Бадфеъл кишига:

— Нега сиз яхши одамни кўрсангиз ҳам ҳурсанд бўлиш ўрнига «қовоғингиздан қор ёғилади» дейишса:

— Унинг яхши томонини кўра олмай, оз бўлсаям ёмон томонини кўраман, — деган экан.

Одамларнинг ўзига қараб одамларга тош қўйиши бежиз эмас.

МЕРОС

— Биласанми, мен ўғлимга қандай мерос қолдиряпман?! — мақтанди қинғир йўл билан пул топувчи одам шеригига.

— Айтақол.

— Қасрмисан-қаср иморат. Сен нима қолдиряпсан?!

— Мен ўғлимга одобдан мерос қолдиряпман, — депти тўғрилик билан пул топувчи шериги.

— Шу ҳам меросми? — депти уни менсимай пулдор.

Мероснинг қай бири улуғлигини йиллар ўз синовидан ўтказибди. Пулдорнинг ўғлида меҳр, андиша йўқлигидан қаср, чиройли уйидаги жанжал, тўполондан омади кетибди. Қаровсиз қолган уй нураб тушаётгандек. Унда на файз бор, на барака!

Ҳулқи хуш ўғилнинг оддийгина уйида эса ҳалол меҳнат ва тинчликдан борган сари фаровонлик.

Оталарнинг фарзандларига қолдирган одоб мероси олтиндан ҳам зиёдадир.

ЗОТ

Эркатой ниҳол ўз тенгилари қатори деҳқон ва ер меҳрини тўйиб-тўйиб эмди. Ҳосилдан-чи, дарак йўқ.

— Эссиз, сенга кетган куч, харажатлар, — деди унга ниҳоллардан бири.

Эркатой жим, жим.

— Сенга сарф бўлган маҳаллий ўғит, дорилар ҳам менга бўлганда эди, ҳозирги ҳосилим икки баравар ошиқ бўлармиди?! — алам билан деди яна бири.

— Қанча гапирсангиз ҳам унга бекор, — деди шиға-шиға ҳосилли бир ниҳол. — Қонида қилча ҳамияти йўқ, таги паст, уруғи ярамас бўлса ундан нимани кутардик!

Қазими қартами барибир зотига тортади.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда Юнусобод туманининг жисмоний ва юридик шахсларининг мурожаатлари бўйича 2015 йилнинг 22 февралида қабул ўтказилишини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг биринчи ўринбосари 2015 йил 22 январь соат 10.00 дан 12.00га қадар;

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлиғи 2015 йил 22 январь соат 10.00 дан 12.00 га қадар қабул ўтказади.

Мазкур қабулда иштирок этиш истагини билдирган Юнусобод туманидаги фуқаролар ва тадбиркорлар 2015 йил 21 январь соат 13.00 га қадар 212-61-87, 237-61-41 телефонлари орқали боғланишлари мумкин.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **22 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, кечга томон ёмғир, қор ёғиши эҳтимоли мавжуд. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 2-4 даража совуқ, кундузи — 3-5 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **22 январь** ва **23 январь** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

(Газетанинг навбатдаги сони 23 январда чиқади).

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 155

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12684 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5